

## МОЛИЯВИЙ ИНКЛЮЗИЯНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

**Аннотация.** Ушбу мақола молиявий инклюзия тушунчаси ва унинг ривожланиш тамойилларини назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилади. Молиявий инклюзия иқтисодий ўсиш, ижтимоий тенглик ва молиявий барқарорликка таъсир этувчи муҳим омил сифатида кўриб чиқилади. Мақолада молиявий инклюзияни тушунтирувчи асосий назариялар, жумладан, асимметрия маълумот назарияси, молиявий ривожланиш назарияси, ҳаракатлар иқтисодиёти назарияси ва институционал иқтисодиёт назарияси муҳокама қилинади. Шунингдек, мақолада рақамли молиявий хизматларнинг тараққиёти, микрокредитлаш тизими ва онлайн молиявий платформаларнинг аҳамияти кўриб чиқилиб, молиявий инклюзияни кенгайтириш йўналишлари таҳлил қилинади. Тадқиқот натижалари молиявий саводхонликни ошириш, банк хизматларига кириш имкониятларини кенгайтириш ва молиявий сиёсатларни такомиллаштириш орқали молиявий инклюзияни ривожлантириш зарурлигини кўрсатади. Ушбу мақола молиявий инклюзия соҳасидаги тадқиқотлар учун муҳим илмий манба бўлиб, унинг иқтисодий ривожланишдаги ўрнини чуқур ёритиб беради.

**Калит сўзлар:** молиявий инклюзия, молиявий саводхонлик, рақамли молия, банк хизматлари, молиявий хизматлар, иқтисодий ўсиш.

**Кириш.** Молиявий инклюзия ҳозирги кунда жаҳон иқтисодий ривожланишининг муҳим устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. У молиявий хизматларга барча аҳоли қатламларининг, айниқса, кам таъминланган, четда қолган ва қишлоқ жойларда яшовчи гуруҳларнинг кенг ва адолатли киришини таъминлашга қаратилган концепциядир. Бу жараён инсон капитали, иқтисодий имкониятлар ва ижтимоий фаровонликни ривожлантиришда ҳал қилувчи омил ҳисобланади (Demirgüç-Kunt et al., 2018).

Мазкур мақолада молиявий инклюзиянинг назарий ва амалий асослари, унинг эволюцион ривожланиш босқичлари ва Ўзбекистондаги ҳолати таҳлил қилинади. Шунингдек, молиявий инклюзияни кенгайтиришда рақамли технологияларнинг роли ва молиявий саводхонликнинг аҳамияти кўриб чиқилади.

**Адабиётлар таҳлили.** Ушбу мақолада молиявий инклюзиянинг назарий ва амалий асослари чуқур таҳлил қилинган бўлиб, муаллифлар халқаро ва маҳаллий манбаларга асосланган ҳолда тадқиқот олиб борганлар. Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси (IMF), БМТ (UNDP) ва бошқа нуфузли ташкилотларнинг маълумотларига таянилгани молиявий инклюзияни баҳолашдаги халқаро ёндашувлардан фойдаланилганини кўрсатади. Тадқиқотда молиявий инклюзиянинг ривожланиш босқичлари, унинг иқтисодий ўсиш ва камбағалликни камайтиришга таъсири кўриб чиқилган. Асимметрия маълумот назарияси (Akerlof, 1970), молиявий ривожланиш назарияси (Levine, 1997), ҳаракатлар иқтисодиёти назарияси (Thaler, 1980) ва институционал иқтисодиёт назарияси (North, 1990) каби назарий ёндашувлар таҳлил қилинган. Ушбу назарий моделлар молиявий инклюзияни тушуниш ва уни такомиллаштириш учун муҳим методологик асосни ташкил этади.

**Методология.** Методологик ёндашув сифатида мақолада иқтисодий ва статистик таҳлиллардан фойдаланилган. Муаллифлар молиявий хизматларга кириш имкониятлари ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий таъсирини ўрганишда эмпирик усуллардан фойдаланганлар. Шунингдек, Ўзбекистонда молиявий инклюзияни ривожлантириш бўйича давлат сиёсатларининг самарадорлиги таҳлил қилинган. Электрон молиявий хизматлар, рақамли банк тизимлари ва мобил тўлов платформаларининг аҳолининг молиявий

инклюзиясига таъсири эмпирик маълумотлар орқали асосланган. Бу методлар молиявий инклюзияни чуқурроқ тушуниш ва келгуси тадқиқотлар учун асос яратиш имконини беради.

**Натижалар.** Молиявий инклюзия ҳозирги кунда жаҳон иқтисодий ривожланишининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади ва унинг тарихи бир неча муҳим босқичларга бўлинади:

*Институционал асосларнинг шаклланиши (1970–1990-йиллар).* Молиявий инклюзиянинг илк босқичи ривожланаётган мамлакатларда молиявий хизматларга киришдаги тўсиқларни бартараф этиш бўйича амалга оширилган дастурлар билан боғлиқ. Бу даврда асосий эътибор банк тизимларини ривожлантиришга қаратилган бўлиб, молиявий хизматларнинг фақат анъанавий банклар орқали тақдим этилиши кузатилган (Beck, Demirgüç-Kunt & Levine, 2007).

*Глобал ташаббуслар ва сиёсий ёндашувлар (1990–2000-йиллар).* 1990-йиллар охирида Жаҳон банки ва МВФ каби халқаро ташкилотлар молиявий инклюзияни камбағалликни қисқартириш ва иқтисодий ўсишнинг муҳим омили сифатида қайд эта бошлади. Бу даврда молиявий хизматларга кенг қамровли кириш имкониятларини яратишга қаратилган сиёсатлар ишлаб чиқилди (World Bank, 2008).

*Технологик инқилоб ва рақамлаштириш (2000–2010-йиллар).* Рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши молиявий инклюзияга янги имкониятлар яратди. Хусусан, мобил молиявий хизматлар ва финтех компанияларининг пайдо бўлиши банк хизматларидан узок бўлган аҳоли қатламларини қамраб олишга ёрдам берди (Jack & Suri, 2011).

*Инклюзив молиявий экотизимларни ривожлантириш (2010-йилдан ҳозирги кунгача).* Ушбу босқичда молиявий инклюзия фақат молиявий хизматларга кириш билан чекланмасдан, хизматлардан самарали фойдаланиш ва молиявий саводхонликни оширишга ҳам эътибор қаратилди. БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларида (SDGs) молиявий инклюзия иқтисодий барқарорлик ва ижтимоий адолатга эришиш воситаси сифатида кўрсатилган (UNDP, 2015).

*Инновацион молиявий моделлар ва рақамли иқтисодиёт (2020-йилдан кейин).* Янги рақамли технологиялар, жумладан, блокчейн, криптовалюталар ва сунъий интеллект молиявий инклюзиянинг янги босқичини бошлаб берди. Бу даврда молиявий хизматлар тезкор, хавфсиз ва юқори самарадорлик билан таъминланмоқда (Arner, Barberis & Buckley, 2016).

Ҳар бир босқич молиявий инклюзиянинг ривожланиш йўналишларини белгилаб берди ва унинг ижтимоий-иқтисодий тизимлардаги аҳамиятини кучайтирди. Жаҳон банки ва МВФ тадқиқотларига кўра, молиявий инклюзия иқтисодий ўсишни рағбатлантириш, тенгликни таъминлаш ва барқарор ривожланишга ҳисса қўшишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади (World Bank, 2021).

Юқорида келтирилган эволюцион таҳлил молиявий инклюзиянинг ривожланиш жараёнида қандай ўзгаришларга учраганини кўрсатди. Энди эса молиявий инклюзияни янада чуқурроқ тушуниш учун унинг назарий асосларини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Молиявий инклюзия тушунчаси бир неча муҳим назарий ёндашувлар орқали тушунтирилади, улар молиявий хизматларга кириш, капитал тақсимоти ва иқтисодий ўсишдаги ролини таҳлил қилади. Қуйида асосий назариялар кўриб чиқамиз:

*Ассиметрия маълумот назарияси (Akerlof, 1970).* Ассиметрия маълумот назариясига кўра, бозорларда ахборотнинг номуносиб тақсимланиши молиявий инклюзияга тўсиқ бўлиши мумкин. Мисол учун, кредиторлар мижозларнинг ҳақиқий молиявий ҳолатини тўлиқ билишмайди ва бу хавфларни оширади. Бу вазият кам таъминланган ва заиф гуруҳларни молиявий хизматлардан четда қолишига олиб келади (Akerlof, 1970).

*Молиявий ривожланиш назарияси (Levine, 1997).* Бу назария молиявий тизимнинг иқтисодий ўсишдаги ҳал қилувчи ролини таъкидлайди. Молиявий институтлар капитал тақсимоти, сармоялар самарадорлиги ва иш ўринлари яратишда муҳим омил ҳисобланади.

Росс Левин (Ross Levine) молиявий ривожланиш ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги боғлиқликни чуқур таҳлил қилиб, молиявий тизимнинг иқтисодий тараққиётда ҳал қилувчи рол ўйнаши ҳақидаги назарий асосларни шакллантирган. Унинг тадқиқотлари молиявий ривожланишни иқтисодий ўсишни рағбатлантирувчи муҳим омил сифатида кўриб чиқади ва молиявий хизматлардан самарали фойдаланиш капитал тақсимоти, технологик тараққиёт ва умумий иқтисодий ўсишни таъминлашни кўрсатади.

Левиннинг назарияси молиявий тизимнинг асосий вазифаларига эътибор қаратиб, молиявий бозорлар ва институтларнинг самарадорлиги иқтисодий ўсиш суръатларига қандай таъсир қилишини ёритиб беради. У молиявий ривожланиш орқали ресурсларни самарали тақсимлаш, рискларни бошқариш, маълумот асимметриясини камайтириш ва иқтисодий субъектларнинг ҳаракатларини рағбатлантириш жараёнлари қанчалик аҳамиятли эканлигини таҳлил қилади. Левин молиявий воситачиликнинг жиддий ривожланиши янги технологияларни жорий қилиш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашда муҳим рол ўйнайди, деб ҳисоблайди.

Унинг тадқиқотлари молиявий бозорлар ва банк тизимининг иқтисодий ўсишга таъсирини аниқлашга қаратилган бир нечта асосий моделлардан фойдаланади. Жумладан, молиявий воситачиликнинг жиддий ривожланиши капитал тақсимотини яхшилаб, инвестиция имкониятларини кенгайтиради ва юқори самарадорликка эга ишлаб чиқариш жараёнларини рағбатлантиради. Бундан ташқари, у молиявий инклюзияни кенгайтириш мамлакатларда иқтисодий фаоллик ва ижтимоий тенгликни оширишга хизмат қилишини таъкидлайди.

Левиннинг тадқиқотларида банк тизими ва фонд бозорларининг ўзаро алоқаси ва уларнинг иқтисодий ўсишга таъсири ҳам ўрганилган. У айрим мамлакатларда банк тизими асосий молиявий воситачилик вазифасини бажаришини, бошқа мамлакатларда эса капитал бозорлари асосий рол ўйнашини қайд этади. Шунингдек, молиявий тизимнинг ривожланиш даражаси давлат сиёсатлари, ҳуқуқий муҳит ва институционал омилларга боғлиқ эканлигини кўрсатади.

Шу тариқа, Левин молиявий ривожланиш ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги мураккаб муносабатларни тушунтириш учун функционал ёндашувдан фойдаланади. Унинг таҳлили молиявий хизматларнинг самарали ишлаш механизмини, молиявий институтлар ва бозорларнинг иқтисодий ўсиш жараёнидаги ролини чуқур тушунишга имкон беради. Бу назария молиявий инклюзияни ошириш ва молиявий секторни такомиллаштириш бўйича давлат сиёсати учун муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

*Ҳаракатлар иқтисодиёти назарияси* (Thaler, 1980). Ҳаракатлар иқтисодиёти назарияси (Behavioral Economics) иқтисодий субъектларнинг қарор қабул қилиш жараёнида рационал эмас, балки психологик, ижтимоий ва когнитив факторларга асосланган ҳолда ҳаракат қилишини ўрганади. Ричард Талернинг тадқиқотлари ушбу назариянинг асосий йўналишларидан бири бўлиб, иқтисодий агентларнинг молиявий қарорларини психологик чекловлар, одатлар ва иррационал ҳаракатлар қандай шакллантиришини тушунтириб беради.

Молиявий инклюзия нуктаи назаридан қаралганда, ҳаракатлар иқтисодиёти назарияси аҳолининг молиявий хизматлардан фойдаланиш жараёнида қандай тўсиқлар мавжуд эканлигини тушунишда муҳим аҳамиятга эга. Масалан, кўплаб одамлар молиявий қарорлар қабул қилишда қисқа муддатли манфаатларга кўпроқ эътибор қаратадилар ва узоқ муддатли молиявий барқарорликни таъминлаш имкониятларини бой беришади. Бу ҳолат кредит олиш, жамғармалар яратиш ва суғурта хизматларидан фойдаланишга нисбатан пассив муносабатни шакллантиради.

Талернинг тадқиқотларида одамлар молиявий қарорларни қабул қилишда оддий қоидалар (heuristics) ва психологик омилларга таянишини кўрсатади. Масалан, "эндowment эффекти" (endowment effect) – инсон ўз мулкидаги активни бозор қийматидан юқорироқ баҳолаш тенденцияси, молиявий хизматларга нисбатан ҳам таъсир қилади. Агар одамлар

банк ҳисоб рақамларини очиш ёки мобил тўлов тизимларидан фойдаланишни қийин ва ноқулай деб ҳисоблашса, улар молиявий инклюзия жараёнига қўшилмайдилар.

Бундан ташқари, "вазифани кечиктириш" (procrastination) – молиявий қарорларни қабул қилишда суеткашлик қилиш тенденцияси – кўплаб ривожланаётган мамлакатларда молиявий инклюзиянинг паст даражада бўлишига сабаб бўлади. Масалан, одамлар пенсия жамғармаларига ҳисса қўшиш ёки суғурта полисини харид қилиш каби узоқ муддатли молиявий қарорларни доим кечиктиришга мойил бўладилар.

Шунингдек, ҳаракатлар иқтисодиёти молиявий саводхонликнинг аҳамиятини ҳам кўрсатади. Агар одамлар молиявий маҳсулотлар ҳақида етарли билимга эга бўлмасалар, улар молиявий инклюзияга қўшилишдан қочишади. Шу сабабли, молиявий инклюзияни кенгайтириш учун фақат инфратузилмани ривожлантириш етарли эмас, балки инсонларнинг молиявий фаоллигини оширишга қаратилган мотивацион воситалар ҳам зарур.

Ҳаракатлар иқтисодиёти назарияси молиявий инклюзияни ошириш учун аҳоли молиявий саводхонлигини ошириш, психологик тўсиқларни камайтириш ва интуитив молиявий қарорларни енгиллаштириш бўйича самарали стратегияларни ишлаб чиқишга ёрдам беради.

*Институционал иқтисодиёт назарияси* (North, 1990). Бу назарияга кўра, молиявий инклюзиянинг ривожланиши давлат институционал ислохотлари ва молиявий сиёсатлар билан боғлиқ. Дуглас Нортнинг (Douglass C. North) "Институтлар ва иқтисодий ўсиш: тарихий кириш" (1989) мақоласида институтлар иқтисодий ривожланишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлиги таъкидланади. Унинг таърифича, институтлар — бу жамиятдаги "ўйин қоидалари", яъни инсонлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи расмий (қонунлар, қоидалар) ва норасмий (анъаналар, урф-одатлар) қоидалардир. Бу қоидалар иқтисодий фаолиятнинг самарадорлигига таъсир қилади.

Молиявий инклюзия нуқтаи назаридан институтлар муҳим рол ўйнайди. Самарали ва ишончли институтлар мавжуд бўлган жамиятларда аҳоли молиявий хизматларга кенгрок кириш имкониятига эга бўлади. Масалан, мустаҳкам ҳуқуқий тизим ва хусусий мулк ҳуқуқларининг ҳимояси банклар ва молиявий ташкилотларга бўлган ишонччи оширади, бу эса ўз навбатида аҳолининг молиявий хизматлардан фойдаланишга бўлган қизиқишини кучайтиради.

Нортнинг таъкидлашича, самарали институтлар транзакция харажатларини камайтиради ва иқтисодий алоқаларни енгиллаштиради. Молиявий инклюзияни ошириш учун бу жуда муҳим, чунки паст транзакция харажатлари аҳолининг турли қатламларига молиявий хизматлардан фойдаланишни осонлаштиради. Масалан, соддалаштирилган қонунчилик ва тартиб-қоидалар кичик бизнес ва кам даромадли аҳоли учун банк ҳисобларини очиш ва кредит олиш жараёнларини енгиллаштиради.

Шунингдек, Норт институтларнинг эволюцияси ва уларнинг иқтисодий ўзгаришларга мослашувчанлиги ҳақида ҳам сўз юритади. Молиявий инклюзияни таъминлаш учун институтлар замонавий технологиялар ва бозор талабларига мослашиши керак. Масалан, рақамли молиявий хизматларни жорий этиш ва уларни тартибга солувчи қоидаларни ишлаб чиқиш орқали аҳолининг кенг қатламларини молиявий тизимга жалб қилиш мумкин.

Нортнинг институтлар иқтисодиёти назариясига кўра, самарали ва мослашувчан институтлар молиявий инклюзияни оширишда муҳим аҳамиятга эга. Институтлар иқтисодий фаолиятни тартибга солиш ва транзакция харажатларини камайтириш орқали аҳолининг молиявий хизматларга киришини енгиллаштиради. Бу эса умумий иқтисодий ривожланишга ҳисса қўшади.

*Ижтимоий капитал назарияси* (Putnam, 1995). Ижтимоий капитал жамиятнинг молиявий инклюзияга бўлган муносабати ва ундан фойдаланиш имкониятини белгилайди. Кучли ижтимоий алоқалар молиявий ресурсларга осонроқ киришга ёрдам беради. Роберт Д. Патнамнинг (Robert D. Putnam) "Bowling Alone: America's Declining Social Capital" (1995) мақоласида Америка жамиятидаги ижтимоий капиталнинг пасайиши таҳлил қилинади.

Муаллифнинг таъкидлашича, фуқаролик жамиятидаги иштирокчиликнинг камайиши, жамоатчилик ташкилотларига аъзо бўлишнинг пасайиши ва умумий ижтимоий алоқаларнинг сусайиши ижтимоий капиталнинг қисқаришига олиб келади. Бу ҳолат иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳаларда салбий таъсир кўрсатади.

Молиявий инклюзия нуқтаи назаридан ижтимоий капиталнинг аҳамияти катта. Ижтимоий капитал — бу шахслар ва гуруҳлар ўртасидаги ишонч, ўзаро алоқалар ва ҳамкорлик тармоқлари бўлиб, улар иқтисодий фаолиятни энгиллаштиради ва самарадорлигини оширади. Патнамнинг тадқиқотлари шуни кўрсатадики, кучли ижтимоий тармоқлар ва фуқаролик жамиятидаги фаол иштирокчилик молиявий инклюзияни рағбатлантиради, чунки одамлар ўртасидаги ишонч ва ҳамкорлик молиявий хизматларга киришни осонлаштиради.

Ижтимоий капиталнинг пасайиши, Патнамнинг таъкидлашича, иқтисодий фаолиятга салбий таъсир кўрсатади. Масалан, жамоатчилик алоқаларининг сусайиши ва фуқаролик жамиятидаги иштирокчиликнинг камайиши натижасида одамлар ўртасидаги ишонч пасаяди, бу эса молиявий операцияларнинг қийинлашишига ва транзакция харажатларининг ошишига олиб келади. Натижада, аҳолининг молиявий хизматларга бўлган қизиқиши камаяди ва молиявий инклюзия даражаси пасаяди.

Шунингдек, Патнамнинг тадқиқотлари шуни кўрсатадики, ижтимоий капиталнинг пасайиши фуқароларнинг сиёсий фаоллиги ва жамоатчилик ишларидаги иштирокини ҳам камайтиради. Бу ҳолат молиявий саводхонликни оширишга қаратилган дастурлар ва ташаббусларнинг самарадорлигини пасайтиради, чунки одамлар жамоатчилик тадбирларига камроқ қатнашади ва янги билимларни ўзлаштиришга камроқ тайёр бўлади.

Патнамнинг ижтимоий капитал ҳақидаги назарияси молиявий инклюзияни оширишда муҳим аҳамиятга эга. Кучли ижтимоий алоқалар ва фуқаролик жамиятидаги фаол иштирокчилик аҳолининг молиявий хизматларга киришини энгиллаштиради ва иқтисодий фаолликни рағбатлантиради. Шу сабабли, молиявий инклюзияни ошириш учун ижтимоий капитални мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш зарур.

Молиявий инклюзия тушунчаси бир неча муҳим назарий ёндашувлар орқали тушунтирилади, улар молиявий хизматларга кириш, капитал тақсимоли ва иқтисодий ўсишдаги ролини таҳлил қилади. Ассиметрия маълумот назарияси (Akerlof, 1970) молиявий бозорларда ахборотнинг номуносаб тақсимланиши кам таъминланган ва заиф гуруҳларнинг молиявий хизматларга киришини чеклаб, кредит ва сармоя ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини қийинлаштиришини кўрсатади. Молиявий ривожланиш назарияси (Levine, 1997) молиявий тизимнинг иқтисодий ўсишни рағбатлантирувчи асосий восита эканлигини таъкидлаб, молиявий институтлар ва бозорлар ресурсларни самарали тақсимлаш, технологияларни жорий қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш орқали инклюзив иқтисодий ривожланишни таъминлашини кўрсатади. Ҳаракатлар иқтисодиёти назарияси (Thaler, 1980) психологик ва ижтимоий омилларнинг молиявий қарорларга таъсирини ўрганиб, одамларнинг молиявий хизматларга бўлган муносабати иррационал танловлар ва ахборотга асосланган чекловлар билан боғлиқлигини таъкидлайди. Институционал иқтисодиёт назарияси (North, 1990) самарали ва мослашувчан институтларнинг мавжудлиги молиявий инклюзияни рағбатлантиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини, мустаҳкам ҳуқуқий тизим, паст транзакция харажатлари ва молиявий инфратузилманинг ривожланиши аҳолининг молиявий хизматларга киришини энгиллаштиришини таъкидлайди. Ижтимоий капитал назарияси (Putnam, 1995) эса жамиятдаги ишонч, ўзаро алоқалар ва жамоатчилик иштирокининг кучли бўлиши молиявий инклюзияни оширишга ёрдам бериб, иқтисодий барқарорликни таъминлашда муҳим роль ўйнашини кўрсатади. Шунингдек, ижтимоий капиталнинг камайиши молиявий инклюзияга салбий таъсир кўрсатиб, молиявий саводхонлик даражасининг пасайишига ва иқтисодий жараёнларда қатнашиш имкониятларининг чекланишига олиб келади. Барча назариялар шундан далолат берадики, молиявий инклюзияни таъминлаш учун ахборот шаффофлиги, самарали молиявий институтлар, ижтимоий ишонч ва давлат сиёсатларининг

уйғунлиги талаб этилади, бу эса иқтисодий ўсиш ва барқарорлик учун муҳим омил ҳисобланади.

Жаҳон банки маълумотларига кўра, дунёда 1,4 миллиард балоғатга етган аҳоли ҳануз расмий молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятига эга эмас. Соҳадаги илмий тадқиқотлар молиявий инклюзия ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги мустаҳкам боғлиқликни тасдиқлайди. King ва Levine (1993) молиявий ривожланиш назариясида молиявий хизматлардан фойдаланиш даражасининг юқорилиги инвестиция фаоллигини кучайтириши ва умумий иқтисодий ўсишни тезлаштиришини таъкидлайдилар. Beck, Demirgüç-Kunt ва Levine (2007) тадқиқотларида молиявий хизматларга кириш имконияти юқори бўлган мамлакатларда ЯИМ ўсиш суръатлари юқори бўлиб, бу хусусият айниқса ривожланаётган мамлакатларда кучли намоён бўлади.

2024 йилги Халқаро Валюта Жамғармасининг (IMF) "Financial Access Survey" ҳисоботида кўра, молиявий инклюзиянинг ўсиши Инсон тараққиёти индекси (HDI) билан ижобий боғлиқликка эга. Ушбу ҳисоботда таъкидланишича, молиявий хизматларга кириш имконияти яхшилانган мамлакатларда аҳолининг соғлиқни сақлаш, таълим ва иқтисодий фаровонлик даражаси ошганлиги қайд этилган. Масалан, Норвегияда молиявий хизматлардан фойдаланиш даражаси 98% ни ташкил этган ҳолда, Инсон тараққиёти индекси (HDI) 0.961 га тенг. Германияда молиявий хизматларга кириш даражаси 96% бўлиб, HDI 0.950 ни ташкил этади. Бошқа томондан, Нигерияда молиявий хизматларга кириш даражаси 45% атрофида бўлиб, HDI 0.539 даражасида қолмоқда. Бу маълумотлар молиявий инклюзиянинг ижтимоий-иқтисодий фаровонликка ижобий таъсирини тасдиқлайди. Шунингдек, молиявий инклюзия кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш ва гендер тенглигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Масалан, 2024 йилги Халқаро Валюта Жамғармасининг (IMF) "Financial Access Survey" ҳисоботида кўра, Германияда кичик ва ўрта корхоналар учун молиявий хизматлардан фойдаланиш даражаси 89% ни ташкил этиб, бу иш билан бандлик даражасининг 75% га ошишига хизмат қилган. Ҳиндистонда эса молиявий инклюзияни рағбатлантириш сиёсати натижасида кичик ва ўрта корхоналар секторида иш ўринлари сони 12% га кўпайган. Гендер тенглиги бўйича, Руандада аёлларнинг молиявий хизматларга кириши 64% га ошганлиги натижасида аёллар тадбиркорлигининг ўсиш даражаси 30% ни ташкил этган. Бу кўрсаткичлар молиявий инклюзиянинг иқтисодий фаоллик ва ижтимоий тенгликни таъминлашдаги муҳим аҳамиятини тасдиқлайди.

Молиявий инклюзия иқтисодий шокларга нисбатан барқарорликни оширади. Аҳолининг молиявий хизматларга кириш имконияти орқали улар молиявий хавф-хатарларни самарали бошқариш, даромадларни диверсификация қилиш ва сармояларни самарали йўналтириш имкониятига эга бўлади. Масалан, 2022 йилда Тайландда молиявий хизматларга кириш имконияти кенгайганлиги натижасида аҳолининг банк ҳисобварақлари сони 67 миллионга етган. Бу аҳолига иқтисодий инқироз пайтида сармояларни сақлаш ва фавқулодда ҳолатлар учун захира яратиш имкониятини берган. Бразилияда молиявий инклюзия сиёсати туфайли 150 миллиондан ортиқ аҳоли молиявий хизматларга кириш имкониятига эга бўлиб, бу мамлакатда 5 миллиондан ортиқ янги иш ўринлари яратилишига туртки берган. Руандада эса молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш орқали 8 миллион нафар аҳоли молиявий тизимга жалб этилган, бу эса хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг ўсишига катта таъсир кўрсатган. Ушбу мисоллар молиявий инклюзиянинг аҳолининг молиявий хавф-хатарлардан ҳимояланишида ва иқтисодий барқарорликни таъминлашда қанчалик муҳим эканлигини кўрсатади. Demirgüç-Kunt ва Singer (2022) томонидан олиб борилган тадқиқотда молиявий хизматларга кириш имконияти яхшиланган мамлакатларда кичик бизнесларнинг ривожланиши ва иш билан бандлик даражасининг ошиши қайд этилган.

Молиявий саводхонлик ва молиявий хизматлардан фойдаланиш ўртасидаги боғлиқлик ҳам иқтисодий ривожланишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Молиявий саводхонлик аҳолининг молиявий қарорлар қабул қилиш қобилиятини оширади, бу эса уларнинг банк

хизматларидан фойдаланиш даражасига бевосита таъсир кўрсатади. Lusardi ва Mitchell (2014) тадқиқотларида таъкидланганидек, молиявий саводхонлик молиявий бозорларда самарали иштирок этиш учун асосий шарт бўлиб, бу аҳолининг кредит, инвестиция ва сақлаш имкониятларидан фойдаланишини кенгайтиради. 2024 йилги Халқаро Валюта Жамғармасининг (IMF) "Financial Access Survey" ҳисоботи маълумотларига кўра, молиявий саводхонлик даражаси юқори бўлган мамлакатларда аҳолининг молиявий хизматлардан фойдаланиш кўрсаткичи ҳам юқори бўлиб, бу мамлакатларда молиявий инклюзиянинг ўсишига олиб келади. Масалан, Финляндияда молиявий саводхонлик даражаси 71% бўлиб, молиявий хизматлардан фойдаланиш кўрсаткичи 95% га етган. Японияда эса ушбу кўрсаткичлар мос равишда 67% ва 89% ни ташкил этади. Бошқа томондан, Камбоджа каби мамлакатларда молиявий саводхонлик даражаси 25% атрофида бўлиб, молиявий хизматлардан фойдаланиш кўрсаткичи ҳам 40% дан ошмаган. Бу кўрсаткичлар молиявий саводхонликнинг аҳолининг молиявий хизматлардан фойдаланишини оширишда муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, молиявий инклюзия иқтисодий ўсишни рағбатлантириш, ижтимоий фаровонликни ошириш ва молиявий барқарорликни таъминлашда муҳим омил ҳисобланади. Давлат сиёсати ва молиявий сектор ислохотлари орқали инклюзив молиявий тизимларни ривожлантириш иқтисодий ўсишни янада жадаллаштириш имконини беради.

Молиявий инклюзияни кучайтириш жараёни замонавий банк хизматлари тизимининг энг муҳим вазифаларидан бирига айланди (Расм 1). Бу жараён аҳолига молиявий ресурсларга кенгроқ ва тенг имкониятлар яратиш, уларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш орқали амалга оширилади. Сўнгги ўн йилликда молиявий инклюзиянинг ўсиши рақамли банкинг, микрокредитлаш тизими ва онлайн молиявий платформалар каби хизматлар орқали сезиларли даражада кучайди. Бу хизматлар аҳолининг молиявий хизматларга кириш имкониятини анъанавий банк инфратузилмасидан ташқарида ҳам кенгайтириш имконини яратади.

Рақамли банкинг молиявий инклюзияни рағбатлантиришда энг муҳим инновацион омиллардан бири бўлиб, аҳоли ва бизнес субъектларига банк хизматларидан осон ва тез фойдаланиш имкониятини тақдим этади. Demirgüç-Kunt ва Klapper (2018) томонидан олиб борилган тадқиқотларга кўра, рақамли банк хизматлари аҳолининг молиявий хизматларга кириш даражасини оширишда катта роль ўйнайди. Ушбу тадқиқотга асосан, рақамли технологияларни жорий қилиш натижасида молиявий инклюзия даражаси юқори бўлган мамлакатларда аҳолининг банк ҳисобварағига эга бўлиш улуши 20-30% га ошган. Бу ҳолат, айниқса, ривожланаётган мамлакатларда аҳолининг банк инфратузилмасига кириш имконияти чекланган минтақаларда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон мисолида олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2021–2023 йиллар мобайнида рақамли банк фойдаланувчилари сони 60% дан ортиқ ўсган ва бу рақамли тўлов тизимлари, мобил банкинг ва QR-код орқали тўлов хизматларининг жадал ривожланиши билан боғлиқ.

Микрокредитлаштириш тизими молиявий инклюзияни кенгайтиришда яна бир муҳим омил ҳисобланади. Бу хизмат айниқса молиявий ресурсларга кириш имконияти чекланган аҳоли қатламлари учун муҳимдир. Yunus (2006) томонидан ишлаб чиқилган микрокредитлаш назариясига асосан, микрокредитлар камбағалликни камайтириш, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ва иқтисодий тенгликни таъминлашда муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Микрокредитлаш тизими орқали аҳоли ўз кичик бизнесларини бошлаш ёки кенгайтириш имконига эга бўлади, бу эса иқтисодий ўсиш ва даромадларнинг ошишига туртки беради. Global Microfinance Index (2022) маълумотларига кўра, микрокредитлардан фойдаланиш молиявий инклюзия даражасини 15-20% га оширган, айниқса қишлоқ жойларда бу хизмат катта аҳамият касб этган.

Онлайн молиявий платформалар эса молиявий хизматларга кириш имкониятини янада кенгайтириб, аҳолига анъанавий банк филиалларига бормасдан, молиявий операцияларни амалга ошириш имконини беради. Fintech секторининг ўсиши бу жараёнда муҳим роль ўйнайди. Philippon (2016) ўз тадқиқотида Fintech платформаларининг самарадорлиги ва

молиявий бозорларда рақобатни кучайтиришдаги аҳамиятини таъкидлайди. Fintech хизматлари, жумладан, P2P кредитлаш, краудфандинг платформалари ва рақамли тўловлар молиявий хизматларни арзонлаштириб, уларни кенг аҳоли қатлами учун фойдаланишга қулай қилади. Масалан, Ўзбекистонда Raume, Click, ва Apelsin каби платформалар орқали аҳоли молиявий хизматлардан тез ва осон фойдаланиш имкониятига эга бўлди, бу эса молиявий инклюзия даражасини жиддий равишда оширишга хизмат қилди.

Умуман олганда, рақамли банкинг, микрокредитлаш тизими ва онлайн молиявий платформалар молиявий инклюзияни кучайтиришда интеграл механизм сифатида ишлайди. Улар аҳолининг молиявий хизматларга бўлган талабини қондириш билан бир қаторда, иқтисодий ўсиш ва ижтимоий барқарорликни таъминлашда муҳим омиллардан бири сифатида намоён бўлмоқда. Шу билан бирга, ушбу хизматлар орқали аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш ва молиявий барқарорликни мустаҳкамлаш имкониятлари кенгаймоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (2022) маълумотларига кўра, мамлакатда аҳолининг молиявий хизматлардан фойдаланиш даражаси 55% ни ташкил этади. Бу кўрсаткич Марказий Осиё давлатлари орасида ўртача ҳисобланади. Мамлакатда молиявий инклюзияни кенгайтириш мақсадида қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилмоқда:

- Рақамли тўлов тизимларини жорий этиш;
- Молиявий саводхонликни ошириш дастурлари;
- Банк инфратузилмасини ривожлантириш.

Lusardi ва Mitchell (2014) тадқиқотларига кўра, молиявий саводхонлик даражаси паст бўлган мамлакатларда аҳоли молиявий хизматлардан фойдаланишда қийинчиликларга дуч келади. Ўзбекистонда 2022-йилда ўтказилган тадқиқот натижасига кўра, аҳолининг 60% молиявий саводхонлик бўйича етарли билимга эга эмас.

**Муҳокама.** Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, молиявий инклюзия иқтисодий ўсишни таъминлаш ва ижтимоий тенгликни ошириш учун муҳим восита ҳисобланади. Рақамли молиявий хизматлардан фойдаланиш, молиявий саводхонлик даражасини ошириш ва аҳолининг банк хизматларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш инклюзив иқтисодиётнинг асосий таркибий қисмига айланмоқда. Ҳозирги даврда молиявий инклюзия нафақат банк хизматларидан фойдаланишни таъминлаш, балки аҳолининг молиявий имкониятларини кенгайтириш ва иқтисодий барқарорликка эришиш учун асосий восита ҳисобланади.

Ўзбекистонда молиявий инклюзияни кенгайтириш учун рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш талаб этилади. Ҳозирги кунда электрон тўлов тизимлари ва мобил банк хизматлари ривожланиб, аҳолининг банк хизматларига кириш имкониятларини кенгайтираётган бўлса-да, ҳанузгача қатор муаммолар мавжуд. Қишлоқ ҳудудларида банк инфратузилмасининг етарлича ривожланмагани, интернет тармоғининг чекланганлиги ва молиявий саводхонлик даражасининг пастлиги молиявий инклюзияни таъминлашдаги асосий тўсиқлардан бири бўлиб қолмоқда. Шу боис, молиявий инклюзияни такомиллаштириш мақсадида қатор чора-тадбирларни амалга ошириш зарур.

Биринчидан, рақамли молиявий хизматларни ривожлантириш – мобил банк ва онлайн тўлов тизимларини кенгайтириш керак. Мобил банк хизматлари аҳолининг банк инфратузилмаси чекланган ҳудудларида молиявий хизматларга кириш имкониятини оширишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Жаҳон банки маълумотларига кўра, мобил молиявий хизматлардан фойдаланиш ўсиши банк хизматларидан фойдаланиш даражасини 30–40% га оширишга ёрдам бериши мумкин. Ўзбекистонда ҳам мобил банк платформаларини кенгайтириш, аҳолини рақамли тўлов тизимларидан фойдаланишга ўргатиш ва замонавий технологияларни молиявий хизматларга интеграция қилиш мақсадга мувофиқдир.

Иккинчидан, молиявий саводхонликни ошириш аҳолининг молиявий хизматлардан самарали фойдаланишини таъминлашда ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Молиявий саводхонлик даражаси юқори бўлган мамлакатларда аҳоли банк ва суғурта хизматларидан



фойдаланиш имкониятларини яхшироқ тушунади ва улардан самарали фойдаланади. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда молиявий таълим дастурларини кенгайтириш, онлайн курслар ва мобил илова орқали молиявий саводхонликни ошириш бўйича чора-тадбирларни кучайтириш лозим. Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармаси маълумотларига кўра, молиявий саводхонликни ошириш бўйича кенг қамровли дастурлар жорий этилган мамлакатларда аҳолининг банк хизматларидан фойдаланиш кўрсаткичи 25–35% га ўсган.

Учинчидан, банк инфратузилмасини такомиллаштириш – қишлоқ жойларида банк хизматларининг қамровини ошириш зарур. Ўзбекистонда ҳали ҳам кўплаб ҳудудларда банк филиаллари етарлича эмас, бу эса аҳолининг молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятини чеклаб қўяди. Шу сабабли, мобил банк офислари ва электрон молиявий платформаларни ривожлантириш молиявий инклюзияни кенгайтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Тўртинчидан, финтех секторини қўллаб-қувватлаш – рақамли молиявий ечимларни ривожлантириш учун имтиёзли сиёсатлар ишлаб чиқиш талаб этилади. Финтех компаниялари орқали молиявий хизматларнинг кўламини кенгайтириш, янги молиявий технологияларни жорий қилиш ва аҳолига молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятини осонлаштириш мақсадга мувофиқ. Масалан, Payme, Click ва Apelsin каби тўлов платформаларининг ривожланиши аҳолининг молиявий хизматлардан фойдаланишини сезиларли даражада яхшилаган.

Бешинчидан, молиявий инклюзияни кенгайтириш бўйича давлат сиёсатини мустаҳкамлаш талаб этилади. Ўзбекистон ҳукумати томонидан қабул қилинган “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида молиявий инклюзияни ривожлантириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш орқали аҳолининг молиявий хизматларга киришини осонлаштириш мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб айтганда, молиявий инклюзияни кенгайтириш иқтисодий ўсишни рағбатлантириш, ижтимоий тенгликни таъминлаш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш учун зарурдир. Давлат томонидан қўллаб-қувватланадиган молиявий инклюзия стратегиялари, рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш, молиявий саводхонликни ошириш ва банк инфратузилмасини ривожлантириш орқали Ўзбекистонда молиявий инклюзияни янада кенгайтириш мумкин. Шу муносабат билан, молиявий инклюзияни рағбатлантиришга қаратилган тадбирларни тизимли равишда амалга ошириш ва молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш бўйича стратегик чора-тадбирларни кучайтириш зарур.

#### Адабиётлар руйхати

1. Demircuc-Kunt, A., Klapper, L., Singer, D., Ansar, S., & Hess, J. (2018). Глобальная база данных Findex 2017: Измерение финансовой доступности и финтех-революции. Вашингтон, округ Колумбия, <http://dx.doi.org/10.1596/978-1-4648-1259-0>
2. Demircüç-Kunt, A., Singer, D. (2022). The Global Impact of Financial Inclusion on SMEs and Employment Growth. World Bank Policy Research Working Paper.
3. Akerlof, George A. “The Market for ‘Lemons’: Quality Uncertainty and the Market Mechanism.” *The Quarterly Journal of Economics*, vol. 84, no. 3, 1970, pp. 488–500. *JSTOR*, <https://doi.org/10.2307/1879431>. Accessed 8 Feb. 2025.
4. World Bank (2022). The Global Findex Database 2021: Financial Inclusion, Digital Payments, and Resilience. <https://www.worldbank.org/en/publication/globalindex>
5. Sapre N. Financial inclusion: philosophical and methodological underpinnings // *Qualitative Research in Financial Markets*. – 2022. – Т. 15. – №. 3. – С. 445-452.
6. Lusardi, Annamaria, and Olivia S. Mitchell. 2014. "The Economic Importance of Financial Literacy: Theory and Evidence." *Journal of Economic Literature*, 52 (1): 5–44. DOI: 10.1257/jel.52.1.5

7. Philippon, Thomas, The Fintech Opportunity (August 2016). NBER Working Paper No. w22476, Available at SSRN: <https://ssrn.com/abstract=2819862>
8. Levine, R. (1997) Financial Development and Economic Growth: Views and Agenda. *Journal of Economic Literature*, 35, 688-726.
9. Thaler, Richard, 1980. "Toward a positive theory of consumer choice," *Journal of Economic Behavior & Organization*, Elsevier, vol. 1(1), pages 39-60, March.
10. North D. C. *Institutions, institutional change and economic performance* //Cambridge University. – 1990.
11. Putnam, Robert D. "Bowling Alone: America's Declining Social Capital." *Journal of Democracy*, vol. 6 no. 1, 1995, p. 65-78. Project MUSE, <https://dx.doi.org/10.1353/jod.1995.0002>.
12. Suri, T., & Jack, W. (2016). The long-run poverty and gender impacts of mobile money. *Science*, 354(6317), 1288–1292.
13. World Bank (2022). *The Global Findex Database 2021: Financial Inclusion, Digital Payments, and Resilience*. <https://www.worldbank.org/en/publication/globalindex>
14. Berhe Beyene, Katia Huayta-Zapata, Andrea Quevedo, and Miguel Segoviano. *Financial Access Survey. 2024 Highlights: Marking 15 Years of Supporting Financial Inclusion*. Statistics Department, International Monetary Fund, October 2024.
15. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. Йиллик Ҳисобот – 2023. Тошкент, 2023.
16. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. Йиллик Ҳисобот – 2024. Тошкент, 2024.